
Авариявий ҳолат бартараф этилди

Ижтимоий тармоқларда “Бағдод тумани марказидаги Бирдамлик кўчасидан ўтган табиий газ тармоғида газ сизиб чиқаётгани” тўғрисида тарқатилган маълумот туман ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан назоратга олиниб, мазкур ҳолат “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиалининг “Бағдодтумангаз” бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда бартараф этилди.

Маълум бўлишича, марказий шифохонадан имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган 88-махсус ёрдамчи мактаб-интернатига тортилган диаметри 76 мм бўлган ўрта босимли газ қувирида табиий газ сизиб чиқиши қузатилган.

Авариявий ҳолат юзага келган манзилда таъмирлаш-созлаш ишлари олиб борилиб, газ сизиб чиқиши тўлиқ тўхтатилди.

Ўз навбатида, “Бағдодтумангаз” бўлими раҳбари Сардорхон Собиров ҳолат юзасидан маълумот берган ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига миннатдорлик билдиради.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-08-15 16:44:01